

Йиллар ўтади. Довуллар тинади. Жанг-жадаллар тарих қаърида унутилиб кетади. Сохта. хайкаллар ағдарилади. Кудратли салтанатлар емирилади. Ёлгон гоёлар бархам топади. Аждодлар руhini янғидан-янғи авлодлар дилига жойлаб вояга етади ва жами-ятни поклаш учун, топталган адолатни, эркни, эзгуликни яна ўз ўрнига тиклаш учун кураш майдонига чиқади. Бу хол узлуксиз давом этаверади. "Хаёт — абадий. Оқиб турган дарёни ҳеч ким тўхтатиб туролмайди. Пушкиннинг «Тикланиш» номли шеъри бор. Даҳо томонидан чизилган нодир расм устига истеъдодсиз рассом ҳар хил бўёқлар чаплаб, ўзича мўъжиза яратади.

Ваҳший рассом мудрок, беизн
Даҳо суратини бузади
Ва у сурат устига ўзин
Бабурд суратини чизади.
Лекин у ёт бўёқлар бир-бир
Кўчиб тушар йил сайин аён
Ва улугвор ижод бекусур
Аввалгидек бўлур намоён.
Ана шундай кётар Эзилган —
Юрагимдан сохта тугунлар
Ва шубҳасиз тикланар ўтган —
Илк ва тоза мусаффо кунлар.
(Туроб Тўла таржимаси)

Ана шундай, вақти келиб ҳар қандай сохта бўёқлар йўқолиб кетади. Ўтда куймай-диган, сувда чўкмайдиган хақиқат эса ўз кудрати ва жозибаси билан кўз ўнгимизда қайтадан намоён бўлади. Тарих хақиқатини ҳам шунга ўхшатиш мумкин. Уни сохталаштириш ҳеч кимнинг кўлидан келган эмас. Халқимиз топиб айтганидек. «Ойни этак билан ёпиб бўлмайди». Ҳеч қачон!

Рус зобити, чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатини Шарқда қон ва қилич билан жорий қилган дахшатли генераллардан бири Михаил Дмитриевич Скобелев хақида мақола ёзарман деб сира ўйламаган эдим. Сабаби, давр аллақачон унинг фаолиятига баҳо берган, ўз шафқатсиз ҳукмини чиқариб қўйганди. Инқилобдан кейинги дастлабки йиллардаёқ фақат чор генерали Скобелевгина эмас, унинг ҳамтовоклари — «ярим пошшо» Кауфманлар, генерал-губернатор Куропаткинлар, жаллод Головачевлар ва бошқа зобитлар меҳнатқаш халқ газабига учрагани ҳаммага маълум. 20—30-йилларда босилиб чиққан вақтли матбуотдаги турли мақолаларда ҳамда тарихий асарларда чор зобитларининг босқинчилик юришлари, Туркистон халқларини қанчалик шафқатсизлик билан қириб, қон қашатгани, талагани хақида қўплаб ёзилган эди. Айниқса, Улуг Ватан урушидан кейин босилиб чиққан кимки жилдли «Ўзбекистон халқлари тарихи» асарининг

иккинчи китобидаги (Тошкент, ЎзФАН, 1947 й.) академик Бахрушин томонидан ёзилган бобларда чоризмнинг мустамлакачилик сиёсати кўпдан-кўп ҳужжатлар, далиллар асосида фош этилганди. Бу улкан тадқиқотни ўқиган киши юқоридаги муаммога бутунлай нукта қўйилган, деган ҳулосага келиши табиий. Аммо, йўқ, янглишган эканмиз. Тарих ахлатхонасини титкилаб, янги «кашфиётлар» топишга ўч «шинаванда»лар хали йўқолмаган экан.

Бир вақтлар — 60-йилларнинг охирида Самарканд шаҳрида қурбон бўлган чор аскарлари хотирасига қўйилган ёдгорлик қаровсиз қолиб, емирилиб кетяпти, шошилиш ёрдам керак, деган мазмундаги хитоб вилоятда чиқадиган русча газетада босилгани эсимда. Шунда ҳамма газабланган эди. Қўхна шаҳар — қадимий пойтахтимиз Самарканддаги буюқ обидаларни тўпга тутиб қайрон қилган, тинч аҳолини шафқатсизлик билан қирган мустамлака қўшинлари хотирасини эъзозлаш хақидаги гапнинг совет матбуотида босилишида катта мантиксизлик бор эди. Ахир биз чоризмни ағдариб ташлаган ва эски дунё ҳимоячиларининг ҳаммасини битта қўймай қириб ташлашга аҳд қилган авлод фарзандларимиз-ку! Мен бу гапни жуда фахрли равиш билан айтаётганим йўқ, аммо, аслида тарих ҳақиқати шундай бўлди-ку! Ҳўш, подшо ёмон, меҳнатқаш халқнинг душмани экан, унинг сиёсатини қадам-бақадам амалга ошириб, зулм салтанатини ҳимоя қилган, бошқа халқларни қуч билан, зўрлик билан ўзига бўйсундирган чор армияси-ю, унинг мустамлакачи амалдорлари, қонхўр зобитлари яхши бўлиб қолдимиз?!

Кейинроқ Булгариянинг усмонли турклар истибдодидан озод бўлган кунга 100 йил тўлиши муносабати билан турли тадбирлар ўтказилаётган кунларда генерал М. Д. Скобелев номи яна марказий матбуот саҳифаларида қўрина бошлади. Унинг мардлиги, жасоратлари-ю, хизматлари ноҳақ унутилиб, қамситилаётгани хақида қолиб ёзишди. Аммо бу гал ҳам ҳушёр фикрли кишилар адолат тарозисини ушлаб қолдилар. Соғлом мантик устун чиқди: Скобелев сингари зобитларнинг фаолиятига баҳо берганда бир томонга оғиб кетмаслик лозимлиги, унинг булғор халқини озод қилишдаги жасоратлари қанчалик улугланса, Туркистондаги, айниқса, Қўқон хонлигида, Туркманистонда қилган қонли қирғинлари шунчалик қораланишга сазовор эканлиги алоҳида таъкидланди. Зеро, адолат талаби шуни такозо этади.

Аммо, афсуски, аллақачон ечимини топган бу масала, ҳеч қандай зарурат бўлмаган ҳолда, «Звезда Востока» ойномасида (1990 йил, 3-сон) босилган москвалик тарихчи М. Поповнинг «Ак пашша — белый генерал» мақоласида қайта кўтарилди. Кизиги шундаки, бу мақолада генерал Скобелев рус халқининг фидойи фарзанди, унинг ифтихори, фахри-гурурига айланган шавкатли қахрамон деб зўр бериб таъриф-тавсиф этилади, унга бошдан-оёқ мадҳу сано ўқилади-ю, лоқал бирон-бир жойда у тўққан беҳисоб қонлар, ёвузликлар тилга олинмайди ҳам. Ахир бу очикдан-очик бирёқламалик, тарафқашлик, қолаверса, ўша мудҳиш йилларда зўравонлик қурбони бўлган маҳаллий халқлар — ўзбеклар, тожиклар, туркманлар, қорақалпоқлар, қирғизлар, қозоқларнинг ҳозирги авлодларини қамситиш, ҳақорат қилиш эмасми? Халқимизда: «Онани ўйнаши қоши бўлса, дардингни қимга айтасан?» — дегак ўтқир нақл бор. Нахотки ҳамон шундай бўлса—адолат топталиб, ёлгон гаплару разолат тантана қилиб қолаверса?! Йўқ, ундай эмас! Ҳозир бошқача замон. Тарихга ҳолис баҳо берадиган мутахассислар, ҳайриятки, орамизда бор. Кейинги пайтларда мазмундор шеърлари ва тарихий мавзудаги мақолалари билан матбуотда тез-тез чиқаётган таникли шоир Хуршид Даврон

«Боскинчилик кахрамонлик бўлдимиз?» деган мақолада генерал Скобелевнинг хақиқий башарасини очиб ташлади. Эхтирос ва чуқур мантик билан сугорилган бу мақолада чор боскинчиларининг кирдикорлари ҳамда бояги «кахрамон» генералнинг уюштирган киргинлари турли далиллар, ҳужжатлар асосида анча кенг баён этилди. Муаллиф маълум даражада Скобелевнинг истилочилик фаолиятига ёки бошқача айтсак, тарихий «хизмат»ларига тўғри баҳо беришга муваффақ бўлди.

Эллигинчи йилларнинг ўртасидан бошлаб бу мавзуга фақат бир томонлама ёндашиб, унинг «прогрессив ахамияти»ни кўрсатишга бутун ижтимоий фанлар сафарбар килинган маълум. Оқибатда чор боскинчиларининг ёвузликлари деярли гапирилмади, чет элдаги ҳолис тадқиқотлар эса ё кораланди, ё бутунлай четлаб ўтилди. Ана шу шароитда Хуршид Давроннинг матбуотдаги дадил чиқиши ҳамда профессор Хамид Зияевнинг «Шарк юлдузи» рўзномасида босилган «Чоризм босқини» (1990 й., 7-сон) номли йирик мақола чинакам жасорат намунаси бўлди. Кайта қўриш руҳи билан сугорилган бу мазмундор мақолалар мазкур мавзунинг ёритиш йўлидаги илк қадамлар ҳисобланади. Аммо улар калин парданинг бир томонини ҳиёл кўтардилар, ҳолос. Рус босқинининг дахшатли манзараларини тўла кўрсатиш учун эса ҳали ўнлаб йирик тадқиқотлар, китоблар ёзилиши зарур. Айниқса, мен Москва кутубхоналарида бир оз муддат ишлаб, турли материаллар ва ҳужжатлар билан танишгач, буни чуқур ҳис этдим. Биргина генерал Скобелев хақида мадҳу санодан иборат ўнлаб китоблар ёзилган экан. Уларнинг анчагинаси бадиий асарлардан иборат бўлиб, қайта-қайта нашр этилган. Мақсад халқ онига мазкур генералнинг «буюк»лиги, «кахрамон»лигини тўхтовсиз синдириб боришга қаратилган. Чоризм тарғиботи харкалай бу вазифани «халол» бажарган экан, Тарих аллақачон рад этган бу «китоб»ларнинг номи ва муаллифлари билан танишинг: Абаза К. К. «Ок» генерал (окпошшо) Михаил Дмитриевич Скобелев. Санкт-Петербург, 1905; Артомонов Л. К. 1880—1881 йилларда генерал Скобелев кўмондонлиги остида рус кўшинлари томонидан така-туркманларнинг тор-мор этилиши, 3-нашри, Спб., 1898; Адам Жульетта, Генерал Скобелев, Спб., 1886; Арцишевский А. Ф. Генерал Скобелевнинг 1880—1881 йилларда Ахалтакада бўлиши. (Кахрамон-даҳо вафотининг бир йиллиги муносабати билан). Тифлис, 1883; «Ок генерал». Повесть, М., 1899; «Ок» генерал. Аскарларнинг М. Д. Скобелевга ҳамда рус-турк урушига бағишланган жанговар кўшиқ ва шеърлар тўплами. М., 1912; «Рус халқининг кахрамони — ок генерал М. Д. Скобелев». 4-нашри, Спб., 1898, Гринев С. А. М. Д. Скобелев, Киев, 1894; Красницкий А. И. Ок генерал. Генерал М. Д. Скобелев ҳаётига доир. Повесть-хроника, Спб., 1904; В. И. Немирович-Данченко. Ок баҳодир. М., 1912; Струсевиц А. П. XIX аср кахрамонларидан бири. Оммабоп очерк. Спб., 1899 ва ҳоказо.

Чор маддоҳлари бири олиб, бири қўйиб Скобелевни осмону фалакка кўтарадилар. Бири уни афсонавий кахрамон сифатида улугласа, иккинчиси Наполеонга тенглаштиради. Сабаби, у чор ҳукумати манфаатлари йўлида садокат билан хизмат қилган эди-да! Истилочи рус генерали фон Кауфманнинг бевосита раҳбарлигида биргина Туркистоннинг ўзида 5.380 квадрат мил территория босиб олинди, Россия ихтиёрига ўтказилган. Бу ерлар Кўкон, Бухоро, Хива хонликлари ҳудудидан тортиб олинган. Ана шу зўравонлик сиёсатини амалга оширишда қиличидан қон томган Скобелев гўш Кўкон, Фаргона кишлокларини ёндириб, гўш туркман овулларини ер билан яқсон қилиб, қуролсиз аҳолини қириш ҳисобига ном чиқаргани маълум. Унинг бу хизматларига олқиш ёғдирган рус шовинистлари ўша даврда ҳам чор ҳукумати мислсиз адолатсизлик

килаётгани, ўзга мамлакатлар худудига бостириб кириб, бегунох одамларни кириб ўлдириб, зўравонлик килаётгани хакида лом-мим демаганлар. Босиб олинган ерлардан окиб келаётган бехисоб бойлик, текин даромад чўнтакка тушиб тургандан кейин калам хам шунга яраша йўргалайди-да! Шунинг учун бу маддох ёзувчилардан бошка нарса кутиб бўлмайди.

Хўш, ўтмишда-ку бу кахрамон дахо шунчалик мадх этилган экан, кейинги йилларда у қандай бахоланди? Бу борада М. Попов ёлғиз эмасдир? Мана шу хусусда бош котириб, ўйлаб юрганымда янги бир китобга дуч келиб колдим. Унганча Хуршид Даврон ёзган макола етарли бўлди, энди бу мавзуга кайтишга хожат йўк деган тўхтама келган эдим. Чор-ночор калам олишга мажбур-бўлдим. «Дахо»нинг фаолияти жуда кенг ва ранг-баранг. Шунинг учун «ок» генералнинг факат Туркистондаги харбий харакатларига тўхталиб, айрим мулохазаларим билан ўртоклашишга уриниб кўраман.

Маълумки, Скобелев Туркистонда дастлаб фон Кауфман кўл остида хизмат килиб, Кўкон хонлигини конга ботирган эди. Кейинчалик у ана шу хизматлари эвазига подшоҳ мархаматига сазовор бўлиб, водий губернаторлигини кўлга киритади. Унинг мустакил рахбарлик фаолияти 1880—1881 йилларда Ахалтака экспедицияси билан боглик. Золим генерал Кўктепа калъаси химоячиларини аёвсиз кириб ташлагани тарихий хужжатларда кайд этилган. Бу шафкатсизликлар хатто хориждаги олимлар томонидан батафсил ёзилган, фош этилган. Энг мухими, инкилобга қадар ўз асарлари ва хотираларини эълон қилган рус харбий зобитлари бу ёвузликлар хакида батафсил маълумот берганлар. Ёвузликдан безор бўлган туркман халки бу генералга «кўзи конли» деб лакаб берган. Ана шу асарларни биргалашиб кузатсак, Туркистоннинг забт этилиши манзаралари хам, рус зобитларининг чинакам киёфаси хам маълум даражада кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Рус чоризми манфаатларини тиш-тирноги билан химоя қилган М. Д. Скобелевнинг Туркистондаги хар бир қадамидан кон хиди келиб туради. Аммо бу зот кўхна Осиё бағрига келгунча хам фаришта эмас эди. Унинг харбий фаолияти зулмга карши бош кўтарган поляк ватанпарварлари исёнини конга ботиришдан (1864) бошланган. Бу «хизмати» учун у 4-даражали мукаддас Анна нишони билан тақдирланди. Ўзини тезрок кўрсатиш, шон-шухрат орттириш талвасаси айникса Хива юриши (1873) даврида авж олади. У Хива юриши бошланишидан олдин ўртоқларига «Бу гал албатта Георгий крести оламан!» деб мактанган эди. Рус кўшини Амударёдан ўтиб, хонликнинг йирик шаҳар ва кишлокларини бирма-бир забт эта боради. Каршилиқ кўрсатган Хўжайли шаҳри ва Мангит кишлоги култепага айлантиради. Жангларда руслардан бир капитан, саккиз аскар ўлгани, ўн киши турли даражада жарохатлангани кайд этилган. «Душман ниҳоятда катта талафот кўрди»— деб ёзилган рус кароргоҳи хужжатларида. Киёт шаҳрида 10.000 га яқин Хива кўшини парокандаликка учрайди. Руслар ҳеч қандай талафот кўрмаган. Хивалиқлардан қанчаси ўлгани номаълум. Аммо И. В. Казначевнинг «Генерал-адъютант М. Д. Скобелев» (Петроград, 1916) китобида ёзилишича, «теварак-атроф мурдага тўлиб кетган эди» (19-бет). Хива яқинидаги яна бир тўқнашувда мусулмонлардан 400—500 га яқин одам қурбон бўлгани айтилади.

Хива хони Мухаммад Раҳимхон генерал Кауфманга чопар йўллаб, таслим бўлганини билдиргач, харбий харакатлар тўхтатади. Шунга карамай, полковник Скобелев ва граф Шувалов бошчилигида мингга яқин рус кўшини Шохобод дарвозасини портлатиб,

йўлда дуч келган одамни кириб, хон ўрдасига бостириб борадилар. Зобитларнинг максоди кўпроқ ўлжа ва юкори мартаба, нишон олиш эди. Аммо генерал Кауфман бу «зафарли хужумини каттик коралагани ва ўзбошимча харбийларга, айникса, ўзини кўйишга жой тополмай колган Скобелевга жиддий танбех беришга мажбур бўлгани маълум. Шарманда бўлган ёш зобит ахволини ўнглаш учун бошка калтис ишга кўл уради. Хали рус кўшини қадами етмаган номаълум сахро йўлларини аниқлаб, харитага тушириб келади. Бу харакат Кауфманга ҳам маълум бўлади, албатта. Аммо бу кари туллак ёш зобит талтайиб кетишини хохламасди. Шунинг учун у куруккина килиб: «Сиз кўз ўнгимда аввалги хатонгизни тўгриладингиз, лекин хали хурматимни козонганингиз йўк!»—деган эди. Буларнинг хаммаси хотиралар ва илмий китобларда батафсил ёзилган. Биргина мисол: «...Пойтахтнинг таслим бўлганига доир музокаралар олиб борилаётган пайтда Оренбург отряди томонида тўп овозлари гумбурлаб колди. Хивадан чопар келиб, руслар яна жанг бошлаганини билдирди. Маълум бўлишича, Скобелев Шохобод дарвозасидан ёриб кирган экан. Бу ўзбошимчалик туфайли Скобелевни узок вақтларгача кечирмай юришди. Хатто Верешчагин ҳам Скобелевнинг бу килмишини коралаб ёзган эди». (Н. Н. Кнорринг. «Генерал М. Д. Скобелев. Тарихий этюдлар. Париж, 1939, 30-бет).

Кўкон хонлигига карши юриш генерал Скобелев хаётидаги энг кора саҳифаларни ташкил этади. Чоризм манфаати нуктаи назаридан эса бу кунлар «ок пошшо»нинг энг зафарли дамлари саналса ажаб эмас, Шунинг учун ҳам 1896 йилда Санкт-Петербургда босилган катта комусда (17-жилд, 480-бет) «Кўкон хонлигини забт этиш чогида (1876) унинг (Скобелевнинг) юксак харбий салоҳияти юкори даражада намоён бўлди»,— деб ёзилган эди. И. А. Казначевнинг айтиб ўтилган китобида эса генерал М. Д. Скобелев «Хива, Махрам, Андижон, Кўкон, Ловчи, Яшил тоғ, Шейнов (кейинги учтаси Булгорияда) ҳамда Кўктепа жанглариининг кахрамони» сифатида таърифланади. (7-бет). Аммо бу жанглари тарихи билан танишсангиз, тиш-тирногигача замонавий ярог-аслаха билан курулланган чор кўшини хар доим пилта милтик, килич ва найза тутган тартибсиз оломон билан олишганини кўрасиз. Жанг натижаси ҳам шунга яраша. Жанговар милтик ва замбараклар олдида килич билан нима килиш мумкин? Улар локал бирон марта жиддий харбий каршиликка дуч келишмаган. Шу туфайли Скобелевга ўхшаган зобитларнинг «юксак харбий заковати-ю», мислсиз «жасорати» хакидаги уйдирмалар хатто ўз даврида ҳам чинакам Оврупоча таълим олган ва жанг кўрган рус генералларининг энсасини котириб келган. Айникса, Булгориядаги руст-турк савашлари чогида унга хушламай караган, менсимаган зобитлар кўп бўлган. Буни, баъзан, 34 ёшли навкирон генералнинг муваффақиятларини кўролмаслик, хасад деб талкин этганлар. Бўлса бордир. Аммо илгор фикрли зобитлар Туркистондаги харбий харакатлар кай йўсинда кечганини яхши билишар ва Скобелев энгил шон-шухрат козонганидан батафсил хабардор эдилар. У Булгорияга кўмондон бўлиб келгунча Кўкон хонлигини конга ботириб улгурган эди. Мактанчок генералнинг ўзи чинакам уруш дахшатини Булгорияда хис килганини дўстларидан бирига ёзган мактубида очик тан олади: «Бир пуд ёки ундан огир снарядлар мендан 30 кадам нарида портлар эди. Таассуротлар ниҳоятда огир, асаблар зўрга дош беради» (Н. Н. Кнорринг. Юкоридаги асар, 77-бет). Бу изхори дил ҳам бизга кўп нарсаларни ойдинлаштириб беради.

Аслини олганда, Кўкон хонлиги билан Россия орасида жиддий харбий тўқнашув бўлган ҳам эмас. Айёр Кауфман у ердаги ишларни ўта зийраклик билан кузатиб, халк кўзголонлари ҳамда Кўкон ва Бухоро ўртасидаги зиддиятлардан усталик билан фойдаланган. Окибатда рус кўшини бирин-кетин кўхна шахарларни забт эта борган.

1866 йилда Хўжанд, Ўратепа, Жиззах кўлга олинади. Такдир хазилини карангки, Хўжанд ишгол килингандан кейин Худоёрхон генерал Романовскийга элчи юбориб, уни галаба билан табриклайди. Рус зобитлари бу ҳақда истехзо билан ёзишган. Сабаби, Хўжанд Бухоро хонлигига эмас, Кўконга тобе шаҳар эди! Уйга тушган ўгрини хайдаб чикариш ўрнига бошини силаш хатто Афандининг ҳам тушига кирмаган бўлса керак. Бу ҳақда И. А.Терентьевнинг «Ўрта Осиёнинг забт этилиши» асаридан (1-жилд, 327-бет батафсил маълум олишингиз мумкин).

1868 йилда руслар Самарканд ва Каттакўргонни ишгол этишади. Кўкон хонлигидаги фидойи кишилар «Ер юзининг сайкали» бўлган кўхна шаҳарни кайтариб олиш учун русларга қарши жангга отланишни талаб қиладилар. Газабланган халқ оёкка туради аммо хон бу ташаббусни маъқулламайди. Аксинча, табрик ёрлиги билан Хақимхон тўрани рус қароргоҳига элчи қилиб юборади. Мазкур элчи, яъни Хақимхон кейинчалик хақиқий статский советник унвони билан тақдирланади ва Умидов фамилиясини қабул этиб, рус фуқаролигига ўтади. Чор ҳукумати уни жавахирлар қадалган 2-даражали Анна нишони билан мукофотлайди, хон эса жавахир юлдуз билан зийнатланган 1-даражали Станислав нишонига сазовор бўлади. Бундай илтифотлардан эриб кетган хон Кауфманга ёзган илк мактубларидан бирида (1868 йил, 29 январь) «улуг рус подшохи бизга кўшни давлатларда хон ва халқ ўртасида низо чиқишига йўл қўймаслигига ишончимиз қомил» деб ялтоқланган эди. У чор ҳукуматига садокат рамзи сифатида Кўконга қочиб келган шахрисабзлик жанговар беклар —: Жўрабёк ва Бобобекни (оддий меҳмондўстлик анъаналарига зид равишда) тутиб беришдан ҳам оқ килмайди, Холбуки, ўз қучларини такомиллаштириш ва кўшни давлатлардан мадад олиб, чегарани мустаҳкамлаш лозим эди. Мазкур бекларнинг бой тажрибаси, жанговар табиати унга аскотиши мумкин эди. Бунинг ўрнига хон Россияга бошқа соҳаларда ҳам ёрдам кўрсатиб борган. Бу ҳақда хатто рус зобитлари катта хайрат билан қалам суришади: «1871 йилда ҳосил битмагани туфайли доннинг баҳоси мисли қўрилмаган даражада қўтарилиб кетди, хон бизга бугдой етказиб бериб турди ва 1871 йилнинг ёзида ва 1872 йил даврида Кўкон чегарасига туташ ерларга жойлашган қўшинларимизни галла билан таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олди» (Терентьев, юқоридаги китоб, 329-б.)

Хўш, чор қўшини бундай гамхўрлик, яхшилик эвазига нима берди? Қулай имконият (тўғрироғи, бундай баҳона қўпдан қўтилмоқда эди) тугилиши биланок хонликни ларзага солган халқ кўзғолонларини бостириш никоби остида Кўкон худудига бостириб кириб борди. Қалтабин ҳукмдорлар бу сиёсий найранг эканини, салтанатнинг санокли қўнлари қолганини ҳаёлига ҳам келтиришмаган. Россия эса хонликни босиб олиш учун қўпдан қулай пайт пойлаб келар эди. Харбий вазир Д. А. Милютиннинг «Қундалиқлари»да (1-жилд, М., 1947) бу ҳақда бир қатор маълумотлар мавжуд.

Рус империяси учун катта хизматлар қилган бу вазир Туркистонни тўла забт этиш тарафдори (Ташки ишлар вазири М. А. Горчаков бу ҳаракатларга қарши бўлган) ва ташаббусқорри эди. У қўпгина давлат сирлари, подшоҳ ҳамда бошқа юқори лавозимдаги амалдорлар билан қилинган суҳбатлар, мамлакатнинг ташки аҳволи хақидаги мулоҳазалари, қўзғолонларини батафсил ёзиб борган. Унинг қайд этишича, рус императори Александр II ҳам Шарқдаги харбий юришларни ҳамиша маъқуллаб, рағбатлантириб келган экан. «Қундалиқ»нинг 1874 йилги саҳифаларида ўқиймиз: «8 август. Жума, Кўконликлар ўз хонлари (Худоёр)га қарши кўзғолон қўтаргани хақида телеграмма олинди, генерал Кауфман отрядни шайламоқда (харбий ҳаракатларнинг

бўлиши мукаррарга ўхшайди). 18 август. Душанба. Москва. Эрталаб Москвага кириш арафасида (сухбат поездда рўй бермокда) мен вагонда анча узун доклад билан мурожаат килдим ва гап орасида хукмдорга Клинда олинган генерал Кауфманнинг телеграммасики хам ўкиб бердим. У бизнинг тасарруфимиздаги ерларга бостириб кирган кўконлик бебошлар хамма жойда мағлубиятга учрагани ва отрядларимиз уларни Кўкон худудига таъкиб этиб бораётгани хакида хабар берганди. Кауфман яна бу таъкиб Кўкон хонлигини забт этиш билан ниҳоясига етади деб кўшиб кўйган ва шунинг учун кўшимча мадад кучлари юборишни сўраган эди. Иш ниҳоятда жиддий — Осиёдаги сиёсатимизда янги чигалликлар юзага келиб, Англиядаги бакирокларга яна худо берадиган кўринади!

Хукмдор бу хабарларни аввалдан кутилган, рўй бериши зарур холат сифатида хотиржам тинглади ва (заррача) иккиланмай, Туркистон ўлкасига кўшин жўнатиш учун тайёргарлик кўришга ижозат берди. Карангки, Кўкон хонлигини империя таркибига киритиш масаласи атиги беш минут ичида, ҳеч қандай муҳокама қилиб хам ўтирмай, хал этилди-кўйилди» (214—216-бетлар).

Бу муаммо император хазратлари доирасида ана шу тарзда ниҳоясига етиб, пишиб бўлган чоғда Худоёрхон ва унинг валиаҳди Насриддинлар, бошка сарой аъёнлари ва саркардалар ўз айшу ишратлари билан машгул эдилар. Ишончли кўшнимиз исёнчиларнинг адабини бериб кўяди. Уларнинг соясида яна хотиржам хукм юритиб, даври даврон сураверамиз деган ишонч хоким эди бу калтабўн одамларда. Мамлакат сарҳадларини кўриклаган сарбозларни харб илмига тайёрлаш, янги замонавий куроллар сотиб олиш ва уларни кўллаш ҳеч кўшнинг хаёлига хам келмасди. Ана шу хотиржамлик жуда кимматга тушди — асрлардан бери озод, эркин яшаб келаётган маъмур ўлка куллик, туткунлик исқанжасида қолди. «Ишонмагин дўстингга, сомон тикар пўстингга» деган мақолни унутган халк ва хўкмдорнинг насибаси шу бўлса, не ажаб!

Тарихнинг такозосини қарангки, Кўкон хони ўз қуни битаётганини сезмай, Россия билан «якин кўшничилик ва дўстона муносабатлар»-у, савдо алоқаларидан бошка нарсени ўйламаган, Тошкентнинг забт этилиши, Хива ва Бухоро хонлигидаги инкирозлар хам бу мағрур, мактанчок, иззатталаб, қалондимог амалдорларнинг кўзини мошдек очиб кўймагани гоят ачинарлидир.

Ўз вахший кучларини кўйишга жой тополмасдан шон-шухрат орзусида юраги қуйиб юрган М. Д. Скобелевга ўхшаганларнинг қуни тугди. Чор кўшинларининг Кўкон хонлиги худудидаги хатти-харакатлари бугун тарих мулкига айланган. Уларни кўзатиб бориш гарчи кўнгилни вайрон этса-да, гоят хайрлидир. Бу ишнинг бошида бевосита Скобелев тургани учун унинг «тарихий хизмат»лари ва «шавкатли қахрамонликлари»ни билиб олсак, хадеб афсона тўқишларга ўз-ўзидан чек кўйилади...

Кўкон хонлигига бостириб кирган рус кўшинларининг сони 16 рота, 20 замбарак, 8 ракета усқунаси ва 8 суворий юзлик бўлинмадан иборат бўлган. Скобелев суворийлар бошлиги этиб тайинланган. "Кичик тўқнашувларни ҳисобга олмаганда, пойтахт йўлидаги биринчи қатта жанг Махрам қалъасида бўлиб ўтади. Бу қалъада 60.000 атрофида сарбоз бор эди. (Баъзи манбаларда 30.000 ва 50.000 рақами қайд этилади). Қалъа девори пишиқ, мустаҳкам эканлигига қарамай, у бор-йўги чорак соатда таслим бўлади. Қочганларни аёвсиз таъкиб қилиб кириб боришган. Яна бир шармандали, нохуш холат: аллақачон рус фуқаролигини қабул қилиб чор зобитига айланган Бобобёк ва

Жўрабеклар жангда катнашиб, ўз «махорат»ларини намойиш этиб улгурадилар. «Махрамда казакларнинг жанговар хужуми пайтида Шахрисабзнинг икки собик беги Жўрабек ва Бобобек ҳамда кўштутлик собик бек Саидбеклар ўзларини кўрсатиш учун кўп жонбозлик килдилар»,— деб ёзилган эди бу ҳақда «Военньж сборник» ойномасида (1876, 2-сон, 193-бет).

Калъа замбарак ўқлари остида 10 минутда вайрон бўлади. Жанг қандай ўтгани ва қанча одам нобуд бўлгани хакида яхшиси гувоҳлар ва хужжатлар тили билан гапирган маъқул. «Махрам атрофида душман (ўзбеклар) қанча талафот кўрганини аниқ рақамларда ифодалаш қийин. Тўсиклар орқасида ва Махрам калъаси ичида 100 дан ортиқ мурда топилиб, дафн этилди. Махрам орқасидаги майдонда казакларнинг қиличи билан чопилган 1000 дан ортиқ мурдани отряддаги йигитлар йигиштириб олишиб, кўмишди; генерал фон Кауфманнинг кўрикчи бўлинмаси дарё ёқалаб қочаётганларни қувиб, 100 кишини қиличдан ўтказди. Тогдан тушиб келиб отрядларимизга хужум қилган чавандозлар ҳам кўп қурбон беришди. Улардан қанчаси ўлиб, қанчаси ярадор бўлгани номаълум. Жуда кўп кўконликлар Сирдарёга чўкиб кетди. Очигини айтганда, шафқатсиз қиргин рўй берди, чегарамизни бузишга журъат этиб, ерларимизга бостириб қиришгани ва бизга тобе одамларнинг осойишталигини бузгани учун муносиб интиком олинди». (А. Серебреников, 1875 йилда кўконликларга қарши ҳарбий ҳаракатлар). (Расмий маълумотлар асосида). «Военный сборник», 1876, 2-сон, 194—195-бетлар).

«Раимхўжанинг ҳикоя қилишича, Махрамни олиш чоғида генерал Кауфман ўзини жуда хотиржам тутган. Рус қароргоҳи яқинига ўқлар учи қелиб, тўп ўқлари ёрилиб, бир аскар ва бир йигит ярадор бўлган. Шундан кейингина Кауфман генерал Головачевга қалъани тўпга тутишни буюрган. Икки замбарак қулай маррани эгаллаб, яқин масофадан қалъани яқсон қилишга қиришади. Ўн минутдан кейин қалъа вайрон бўлди ва рус аскарлари хужумга ўтди. Ерлиларнинг жуда кўпи ўлдирилди, кўрқувдан ўзини дарёга ташлаб гарк бўлганларнинг сон-саногини йўқ эди. Хужум тамом бўлиб ҳаммаёқ тинчигандан кейин ниҳоятда димоғи чоғ Кауфман Раимхўжанинг олдига қелиб: «Рус аскарлари қандай урушар экан?»— деб сўради. «Яхши уришдилар, аъло ҳазратлари»,— деб жавоб берди Раимхўжа. Генерал Кауфман бунга жавобан: «Худо хохласа, бутун Фарғонани мана шундай жанговар ҳаракатлар билан бўйсундирамиз ва кўшиб оламиз»,— деб айтди». («Константин Петрович фо , Кауфман — Туркистон ўлкасининг бунёдқори». Н, Остроумовнинг шахсий хотиралари, 1877—1881 йиллар. Тошкент, 1899, 211-бет).

Скобелевнинг маълумотномасига кўра, жанг майдонидан 2000 салла йигиб олинган; Верешчагин буни иккига бўлади, аммо «жанг чакки бўлмади» деб кўшиб қўйди». (М. Д. Скобелев. Спб., 1894, 17-бет).

«Биз 39 замбарак, (Дарёга тушиб кетган тўп бу ҳисобга қирмайди), 1500 милтик, беҳисоб найза, қилич, чўқмор, 50 дан ортиқ туг, байрок, нишонларни ўлжа қилиб олдик. Қалъада ўқ-дори, снарядлар ва кўргошин ҳамда 1910 пуд ун, 837 пуд гуруч, 320 пуд жўхори сақланаётган қатта омборхоналар топилди, 224 та от қўлга олинди.

Кўрган талафотимиз: 6 киши ўлдирилди (1 қароргоҳ зобити, 4 оддий аскар ва бир йигит), 8 киши ярадор (бир қароргоҳ зобити ва 7 қуйи амалдагилар) бўлди. Душман талафотини 1200 киши дейиш мумкин.

149 замбарак ўқи, 29 ракета ва 9.387 патрон ишлатилди.

Жангдан кейин Кауфман Тошкент орқали Олий ҳазрат жаноби олийлари номига галаба, қўлга тушган ўлжалар ва қурбонлар сони маълум қилинган телеграмма юборди: «... душман тўла мағлуб этилди; унинг хонлик аҳолисига таъсири ниҳоятда қатта бўлди,

аммо Махрам жангининг окибатлари хакида олдиндан бир нарса дейиш кийин. Хўжанддан кутилаётган кўшимча улов келиши билан Кўкон сари харакатни давом эттираман. Сизга тобе улуг император кўшинлари ўз шухратига муносиб мардона жанг килди. Вазифа аъло даражада бажарилди» (И. А. Терентьев. «Ўрта Осиёнинг забт эти-лиши тарихи», 2-жилд, 358-бет).

Бу — биринчи йирик тўқнашувнинг айрим тафсилотлари. Тиш-тирногигача куролланган рус армияси ва ибтидоий пилта милтик тутган, киличу найза ушлаган тартибсиз оломон юзма-юз олишган. Курбонлар сонини кўрганда вужудимиз ларзага тушади. Бу — муносиб ракиблар жанги эмас, расмана шафкатсиз киргин эди! Скобелев ана шу Махрам жангининг «кахрамони» деган шармандали номни кўтариб юришдан ор килмаган. Рахм-шафкат нималигини билмайдиган конхўр казакларни жангга бошлаб кирган «ок генерал» деярли куролсиз оломонни ўн беш чакиримгача кувиб бориб, беармон кирган. Маддох касиданавислар бу савашда Скобелев бошдан-охиригача катнашгани-ю, болдиридан яралангани хакида огиз кўпиртириб ёзишади.

Мазкур жанг тафсилотлари хакида ўйлаганимда мени бошка нарса каттик кийнайди. Юкорида тилга олинган Раимхўжа шафкатсиз казаклар киличи билан ўзбекларни нимталаб конини тўкаётганига, молдек кираётганига кандай килиб индамай караб тура олди экан? Бир вақтлар юртнинг фахри ва ифтихори бўлиб юрган Жўрабек ва Бобобеклар ўз халкига карши килич кўтаришга кандай журъат этди экан? Уларнинг таъмаси, муддаоси нима эди? Юрт такдири, халкнинг хаёт-мамоти хал этилаётган пайтда ёв сафида туриб, унга мадад бериш, ўз одамларини ўлдириш... «Ўзингдан чиккан ёв ёмон» деб шуни айтишади-да!

Кейинги жанглار ҳам кўз кўриб, кулок эшитмаган дахшатларга тўла. Уларнинг тафсилоти билан танишганинг сари биридан-бири мудхиш саволлар каршисида кийналиб кетасан. Огир ўйлар одамни ўртаб юборади. «Исёнини бостиришу, «тартиб ва адолат» ўрнатиш учун ўзга мамлакат худудига кирган бу шафкатсиз тўда нега бегунох халкни бу қадар конга ботирган? Бундай каттикўл, ёвуз сиёсат юргизиш учун унинг бирон-бир маънавий ҳақ-хукуки бор эдимиз? Бутун-бутун кишлокларни ёкиш, ёндириш, култепага айлантириш йўли билан интизом ўрнатилладими?! Ахир бутун бир халк, бутун бир юрт бошдан-оёқ исёнчига айланмайди-ку! Эътибор берган бўлсангиз, чор кўшини «исёнчииларни эмас, аксинча, сўраб-суриштириб ўтирмай, бутун бошли тинч аҳолини кириш билан шугулланган. Бу ёвузлик эса куйидан тортиб, энг юкори рахбарлар ва хукмдорлар томонидан рағбатлантириб турилган. Бундай дахшатли катли-омни оклаб бўладими? «Ярим ёввойи осийликларни» «маданийлаштириш» усули-ю, Россиянинг Шарқдаги ижобий хизматлари деб аташ мумкинми буни?! Замона зўрниги бўлгандан кейин додингни кимга айтасан?!

Яна энг-аянчлиси, юртни бошқариши, ўз халқини асраб-авайлаши лозим бўлган хонлар ва юкори мансабдаги бошка амалдорлар, тўралар бу адолатсизликка, ёвузликка чидаб, бемалол томошабин бўлиб караб ўтиришганига нима дейиш мумкин?! Халқига хиёнат, юртига соткинлик бундан ортик бўладими?! Хўш, бу хоинлик эвазига улар нима олдилар, кандай мартабага эришдилар дейсизми? Кўкон хонлиги йўқ килинади. Хон, Абдурахмон Офтобачи ва яна ўнлаб мансабдорлар Россиянинг турли вилоятларига хар хил бахоналар билан жўнатиб юборилади. Калтабин хукмдорлар ҳам юртидан, ҳам молу давлатидан махрум бўлиб, кафасдаги куш каби тутқунлик ва забунликда умр ўтказишга мажбур бўладилар...

Кўкон йўлида юришда давом этамиз.

«Адеркас (чор зобити) Кашкар кишлогига душманнинг от-аравалар билан келаётган тўдаларига дуч келиб колди. Кўча бутунлай чанг-тўзон билан копланганди. Казаклар чанг тўдасига карата милтиклардан ўк узиб, сўнг хужумга ўтишди. Окибатда тўрт байрок, 25 милтик, бехисоб килич ва найза, бир канча от ва юк ортилган 10 арава ўлжа олинди. Биз талафот кўрмадик. 40 га якин душман ўлдирилди» (365-бет).

«Душман (Наманганда) Скобелевнинг хисобига кўра (басурманлар учун когоз хам хайф!) 3.800 кишини йўкотди. Уч кун ичида бизнинг талафотимиз: куйи амалдагилардан олти киши ўлди, 29 киши ярадор бўлди, 3 зобит яраланди» (385-бет).

«...Баликчи шахрига ёриб кириб, душман лагери ва кўчини эгалладилар. Тонг отган-дан кейин артиллерия кечувдан ўтиб, шахарга ўк ота бошлади, шу захоти Скобелев 2-ёндош батальонга карашли 2-рота ва элликта казак отлик ўкчилари билан хужумга ўтди, душманнинг чекинишига йўл кўймаслик учун бутун отлик аскарларни замбараклар билан шахарнинг орка томонига юборди. Жангга кирган бўлинмалар учта истехкомни мажаклагандан кейин бозорни ишгол килдилар ва шу ерда тор кўчадан келаётган кипчокларнинг катта отлик оломонига дуч келиб колдилар... Дахшатли ур-йикит ичида мерганларимиз дўлдек ёғдираётган ўкка учган кипчоклар бор-йўги 20 кадам нарида тўда-тўда бўлиб йиқилар, кўча юзи уларнинг ўлигига тўлиб кетган эди. Бу дахшатли жаханнамдан бир амаллаб кутулиб чикканлар нариги ёнбошда пойлаб турган казакларнинг чангалига тушар эди. Уларни икки чакирим жойгача кувиб бориб, ҳеч қандай раҳм-шафкат килмай киличдан ўтказишди.

Биз томондан бир куйи амалдаги киши ўлиб, 8 та ярадор (шундан учтаси огир), уч киши контузия олган эди. Скобелев душманнинг талафотини 2000 киши деб хисоблайди» (386-бет).

«Сафарга отланишдан олдин Скобелев атрофни ҳар хил шайкалардан тозаломокчи бўлди. Бунинг учун Меллер-Закомельский Чустда, Пичугин Окжарда, Скобелевнинг ўзи Наманганда ишга киришди. Пичугин 18 ноябрь куни тоғлар орасидаги Ошоба кишлогига бир гуруҳ шайкага дуч келди ва уни батамом кириб ташлади» (388-бет).

Хўжанд атрофидаги мазкур тоғли Ошоба кишлоги ахолисининг жасоратига махсус тўхталиш зарур. Ана шу киргин кезларида полковник Пичугин етакчилигидаги аскарлар бир неча кишлокни ёндириб, кулини кўкка совургандан кейин биринчи марта Ошоба кишлогига каттик каршиликка дуч келадилар. Жанг узок давом этади. Жангари тоғликлар таслим бўлишни хохламайдилар. Навоий бобомиз айтгандек, харбга имкони бор одамнинг хаммаси майдонга тушади. Ватан тупроги дахлсиз, азиз. Уни мурдаларни янчиб, босиб ўтгандан кейингина олиш мумкин. Кишлоқдаги қариялару кампирлар, хотинлар, хатто ёш болаларгача каршилик кўрсатадилар. Курол йўк. Милтиклар олов пуркаб, ажал уругини сочиб турибди. Ана шу тенгсиз жангга аёллар пичок, оташкурак, косов; чоллар паншаха кўтариб тушадилар. Ҳеч ким тирик таслим бўлишни хохламайди. Кўчалару уйлар ўз эрки, номуси, орини, азиз хонадонини саклаб қолиш учун майдонга чиккан кишлок ахлининг мурдаларига тўлиб кетади. Ёв устун чиқади. Газабланган кўшин охирги ифлосликдан хам қайтмайди. Кишлоқни бутунлай ёндириб, мурдаларни хам битта кўймай куйдириб юборади. Бу ҳақда чор зобити А. Серебренников «Кўконга юриш тарихи» номли асарида батафсил хикоя килган. Агар Туркистондаги ҳар бир кишлок, ҳар бир шахар муқаддас Ватан тупрогини хамда ўз кадр-кимматини ана шу ошобаликлардек химоя килолганида, юртимизнинг киймати хозиргидек хароб ахволга тушиб колмаган

бўларди.

Биз ўзбек халки истилочиларга қарши узок йиллар давомида кураш олиб борганини умумий тарзда тасаввур этамизу, аммо жангларда қахрамонлик кўрсатган, ёв билан яккама-якка олишган минг-минглаб одамларнинг исми, насл-насаби хакида деярли ҳеч нарса билмаймиз. Мактабда эса поляк боскинчиларини ўрмонда адаштириб халок этган рус Дехкони Иван Сусаниннинг жасорати хакида гапирамизу чор кўшинларига қарши кураш қандай кечгани хакида лом-мим демаймиз. Бу ҳам ўзига хос адрлатсизликдир. Шу йилларда истилочиларга қарши курашган номаълум қахрамонларнинг исми-шарифини тиклаш, хотирасини эъзозлаш бурчимиздир. Ана шундагина фарзандларимиз Ватан кадрини, Мустакиллик маъносини теран англайдиган, лозим бўлса уни химоя қиладиган бўладилар. Шу жихатдан тарихчи олимларимиз, зиёлиларимиз, маъмурларимиз ҳеч бўлмаганда Ошоба фожиасини мукамал ўрганиб, мазкур тенгсиз жангда қахрамонлик кўрсатган азиз ватандошларимиз хотирасига ёдгорлик тиклашни ўйлаб кўришса, ёмРн бўлмасди.

Табиийки, бу қахрамонларнинг номини бугун қаердан топамиз деган савол тугила-ди. Бунинг ҳам иложи бор. Тарихий асарлар (ўзбек муаллифларининг шу даврга доир ўнлаб кўлёзма асарлари мавжуд. Улар деярли ўрганилмаган), рус зобитларининг эсдаликлари, архив ҳужжатлари ҳамда маҳаллий аҳоли орасида сакланиб қолган хотиралар хали бизга кўп нарсаларни сўзлаб беради. Шу жумладан, А. Серебренников тилга олинган мақолалар туркумида «шайка» бошлиқлари сифатида бир қанча одамларнинг исмини келтиради. Улар қароқчилар тўдаси эмас, боскинчилик ва зўравонликка қарши қарши қарши курашган ва зулм, истибод остида ожиз қолиб, мақсадига эриша олмаган асл ватанпарварлар эканини сезиш қийин эмас. Мана, айримларининг исми-шарифлари билан танишинг: Танаберди (тоғли Облик қишлоғидан), қипчоқ Ботиркул (Сарбоқ қишлоғидан), тожик Исмандиёр (Ашт атрофидан), Қолтирсун (матнда шундай ёзилган. Қолтирсин бўлса керак. Ошоболик, Мулла Қўшой (маргузорлик), қирғиз Эшбўта (матнда Иш-Пути ёзилган). Шунингдек, мақола давомида Ботир тўра, Валихон тўра, Гойиб Эшиқогаси, Хошимхон тўра, Абулғози, Суворон (Тошкент уездидан қочиб, узок вақт чор кўшинларига қарши кураш олиб борган. Кейинчалик қўлга олиниб, отиб ташланган). Буларнинг ҳаммаси хурмат билан тилга олишга, эъзозлашга лойиқ фидойи фарзандлардир.

«9 ноябрда, разведка пайтида қишлоқлардан бирида қуролланган бир айгоқчи ушлаб олинди ва у Скобелевнинг буйругига мувофиқ шу захотиёқ осиб ўлдирилди. Қўрагига: «Душманга хизмат қиладиган ва қўлида қурол билан рус тупроғига ўтган ҳар бир киши шундай ўлимга маҳкум» деган ёзув илиб қўйилди» (385-бет).

«...Йигитлар от қоптириб қочиб қетаётган бир қирғизни ушлаб олишди. У асли қурамалик бўлиб, Ботир тўранинг хитобномасини тарқатиб юрган экан. Скобелев шу захотиёқ бу ватанпарварни осиб ўлдириш ва бўйнига юкоридагидек ёзувни илиб қўйишга буюрди, ҳукм ижро этилди» (386-бет).

Қелтирилган биринчи парчадаги «рус тупроғига ўтган» деган ифодага эътибор беринг. Воқеа ҳозирги Наманган шаҳри яқинидаги Норин атрофида бўлиб берган. Бу жойлар, умуман, бутун Туркистон ҳеч қачон Россия ҳудудига қирган эмас. Босқинчи генерал учун босиб олинган ерларнинг ҳаммаси «рус тупроғи» ҳисобланади. Худди бу тупроқни у жомадонга солиб, орқалаб қўтариб қелгандек бемалол гапиради. Мана шу лавҳанинг ўзиёқ генерал Скобелев қимлигини, унинг хақиқий маънавий қиёфаси қандайлигини яхши очиб берадики, бундай фош этувчи далил-исботни ҳатто қасддан ўйлаб топиш ҳам

мушул.

«Скобелев йўлда келар экан, санасини кўрсатмай, Колпаковскийга телеграмма жўнатди, у 7 февралда эгасига келиб тегди. Унда Андижонда ҳамма нарса жойида эканлиги, аник маълумотларга караганда, шахар тўпга тутилган паитда харобалар орасида 20.000 киши халок бўлганлиги айтилган эди» (407-бет). Барча кўчирмалар И. А. Терентьевнинг юкорида тилга олинган китобидан олинди.

«Император хазрати олийлари кўконликларга карши муваффакият билан жанг килаётган кўшинларимиздан багоят мамнун эканлигини, бу гал улар юксак ишончни оклаганлигини билдирди ва кўконликларни намунали тарзда жазолашни давом эттириш лозимлигини таъкидлади».

«Тўракўргонликлар ҳам бизга карши курашганига ишонч хосил килган Скобелев уларни жазолашга карор килди ва кишлокка хар томондан ўт кўйиб юборишни буюрди».

«Баликчи кишлогининг дарёга туташ кисми ер юзидан бутунлай супуриб ташланди».

«Асосий вазифа исёнда катнашганларни жазолаш бўлгани учун полковник Фриде отрядни олга бошлаб кетар экан, орқада колган казакларга кўзголончи кипчокларга карашли тўртта кўргончани ёкиб юборишни буюрди».

«Бу кишлок (Хўжаобод кишлоги) ахолиси бизга карши курашди, улардан 50 га якин одам ўлди, биз томондан факат бир казак яраланди. Мазкур кишлокни ҳамда бошкаларини ёндириб, йўл-йўлакай жуда кўп корамол подасини ўлжа килиб, полковник барон Меллер-Закомельский отряди Чўжа кишлогига кароргохига кайтди».

«Бойтук кишлоги ахолиси отряд каршисига кўл ковуштириб садокат изхор килиб чикди. Аммо бу кишлокнинг Икки сув ораси атрофидагиларга таъсири кучли эди. Шунинг учун у ем-хашак йигишга борган полковник барон Меллер-Закомельский бошчилигидаги отряд томонидан ёндириб юборилди».

Яна бир парчага эътиборингизни тортаман: «Андижонликлар каттик каршилик кўрсатдилар: улар хар бир тўсикдан фойдаланар эдилар, томлар устидан туриб ўк отишар, кўчалар, ховлилар, уйлар, мачитлар ичида юзма-юз олишардилар. Уларнинг каршилик кўрсатишлари олдинда хужум килиб бораётганларни газаблантирар, тобора жунбушга келтирарди. Бозор майдонида Скобелев колоннаси йирик харилардан килинган тўсикка дуч келиб колди. Замбаракларимиз олдинга ўтказилди ва бир неча ўк узилгандан кейин душман тумтаракай бўлиб кетди. Туркистонликлар бешта истехкомдан ташкари, мустахам кўргончага айланган уйларни ҳам жанг билан кўлга киритдилар. Нихоят, хар учала колонна ўрдага етиб келди ва саройни исёнчилардан тозалади. Киска муддатли хордикдан сўнг манзилгохга кайтилди, дарвоке, йўл ёкасидаги иморатларнинг хаммасига ўт кўйиб борилди. Олд кисмлар каерда кетаётганини ёнгина караб билиб олиш мумкин эди. Отишмалар хали тинмаган, андижонликларнинг харбий урони — «Ур!», «Ур!» садолари эшитилиб турарди. Андижонни бутунлай вайрон килиш учун генерал Троицкий Скобелёвга олтига замбарак бериб, шахарни тўпга тутишга, бозор ва ёнгин бўлаётган томонларни нишонга олишга буйрук берди». (М. Д. Скобелев хотласи, Тошкент, 1907, 15-бет).

Мана бу кўчирма ҳам диккатга сазовор: «Жанг килишга кодир оломон яна бирикиб колмасин деб кўп сонли ахоли яшайдиган шахарни батамом кириб юбориш максатида генерал Скобелев артиллерия бошлиги подполковник Обромпольскийга шахарни тўпга тутишни буюрди. Тушдан кейин соат 3 ларда бошланган ва барча замбараклар ишга солинган артиллерия отишмаси тонгга кадар давом этди. Асосий зарба бозорга, хар икки ўрдага ҳамда Шахрихонсой ва Асака йўли томонга каратилган эди». («Военный сборник»

ойномаси).

Булар Скобелев ўтган йўллардаги айрим манзаралар, холос.

Полковник Пичугин ва полковник барон Меллер-Закомельскийлар бошчилигидаги икки отряд ҳам тоғ кишлоқларини бирма-бир янчиб, ўт кўйиб, ёндириб боришган. Бу конли воқеалар А. Серебренниковнинг «Военный сборник» ойномасида босилган «Кўкон жанги тарихи» номли туркум мақолаларида батафсил ёритилган. Афсуски, хозирларни бирма-бир келтиришга имкон йўқ.

Саналган мисолларнинг ўзиёқ рус кўшини ва айникса, генерал Скобелев Фаргона водийсига канчалик «маданият» олиб борганини очик кўрсатади. «Отангни ўлдирганга онангни бер» деганларидек, бир вақтлар ўлкамизда бу боскинчи зобит номига шаҳар-лар кўйиб, унга хайкаллар тикланганига нима дейсиз? Бу хайкаллар аллақачон бузиб ташланган. Бирок шу билан адолат тикланиб қоладими? Кўкон хонлиги йўқ бўлган кун — Туркистон халқларининг озодлиги, эркинлиги тугатилиши ва истибдод тунининг бошланиши ҳисобланади. (Бухоро ва Хива хонликлари ярим мустамлака холида саклаб қолган.). Шундай экан, бу аччиқ сана — 19 февраль Ўзбекистонда Миллий мотам куни сифатида нишонланиши зарур. Юрт мустақиллиги йўлида ўз азиз жонларини қурбон қилиб, шаҳид кетган беҳисоб қурбонларни эслаш, ҳар йили уларнинг хотирасини бир қарра ёдлаб, эъзозлаш бугунги озод Ўзбекистон учун қутлуг анъанага айланиши зарур. Кўкон хонлиги босиб олинган, янгидан тuzилган Фаргона вилоятига Скобелев губернатор қилиб тайинланади. Орадан кўп ўтмай уни бошқа вазифага — Булгорияда туркларга қарши қурашаётган чор кўшинлари кўмондонлигига ўтказишади. Унинг Болкондаги фаолияти тадқиқотимиз мавзусига қирмагани учун бу ҳақда тўхталмаймиз ва ўқувчидан узр сўраб, бир неча йил кейинга— 1881 йилдаги Туркменистон воқеалари баёнига ўтамыз,

Саҳройи туркман қабилаларини рус тобелигига ўтказиш осонлик билан кечган эмас. Бу ўлкада ҳам дарё-дарё одам қони оқизилган. Генерал Скобелевнинг Туркистондаги қора қилмишларидан бири Аҳалтақа қумликлари бағрига қон ва кўз ёшлари бўлиб сингиб кетганки, уларни ҳеч қачон ўчириб ҳам, унутиб ҳам бўлмайди.

Инкилобдан олдинги рус муаррихлари Скобелевнинг ана шу мудҳиш сафарини мадҳ этувчи жилд-жилд китоблар битганини айтган эдик. Улардаги пўчокдан иборат бўлган «қасида» қисмини тушириб қолдириб, ҳақиқат магизини ажратиб олсак, кўз ўнгимизда дахшатли генералнинг чинакам афт-башараси беками-қўст гавдаланади. Бунинг учун расом бўлиб, қилқалам ушлашимиз шарт эмас.

Дарвоқе, расм. «Скобелев хотирасига» китобининг 22-бетиде номаълум расомнинг (балки В. В. Верешчагиндир) «1881 йил 12. январда Кўктепага ҳужум» деб номланган сурати илова қилинган. Орқа фонда ўтов, қум тепаликлар тасвири. Қилич яланғочлаган даргазаб рус отлик казаклари ва найзали милтигини ўқталган пиёдалар ҳужумга ўтган. Ҳаммаёқ остин-устун. Тала-тўп. Бир қанча туркманлар ер тишлаб ўлиб ётипти. Қўлида ёғоч паншаха ушлаган оксоқол туркман отликлар олдида қочиб кетаяпти. Юзи-да дахшат қотиб қолган. Қуни битганини ўзи сезиб турибди. Чап томонда ўликлар орасида чакалок кўтарган туркман аёл югуриб келмоқда. Унинг ҳам, қириллаб йиглаётган чакалокнинг ҳам кўзлари кинидан чиқиб кетай деб турибди... Бу расм фақат уруш дахшатини жонлантирибгина қолмайди. Унинг мазмуни ниҳоятда теран. У чор мустабидларини фoш этади.

Машҳур шарқшунос В. В. Бартольд «Кўктепа» («Геогтепе») номли мақоласида шундай ёзади: «Рус кўшини 8000 кишидан иборат бўлиб, 70 дан ортиқ замбаракка эга эди.

Йигирма кунлик камалдан сўнг 1881 йилнинг 12 (24) январида Кўктепа калъаси штурм билан ишгол килинди; сўнг талон-тарож килиш учун аскарлар ихтиёрига тўрт кунгача ташлаб қўйилди. Калъани камал килиш ва забт этиш чогида 6000—8000 киши халрк бўлди. Ўрта Осиёдаги бошка жангларга киёсласак, руслар катта курбонлар эвазига галаба козонганини кўрамиз, улар ўлган ва ярадорларни бирга хисоблаганда 1000 дан ортик одамани йўкотди. Бундан ташкари, Кўктепа жангида Туркистонда биринчи марта русларнинг байроги ва замбараги ўлжа олинганди» (Асарлар, 3-жилд, 399-бет). Туркистон тарихи бўйича ўнлаб холис тадқиқотлар яратган муаллиф бу ўринда ҳам тарих хакикатига содик қолади. Рўй берган воқеаларни лўнда килиб айтади, андавалаб, суваб ўтиришни ўзига эп кўрмайди. Сабаби, у чинакам олим эди. Бир кун эмас, бир куни келажак билан юзма-юз келишини, ўз ёзганлари шафкатсиз вақт ва авлодлар синовидан ўтишини, адолат тарозиси хамиша хакикат учун хизмат этишини калбдан хис қиларди. Шу туфайли у рост сўзлашдан қочган эмас. Афсуски, бундай олимлар ҳозир ҳам ниҳоятда кам учрайди.

Ахалтақадаги уруш катнашчиларидан бири бўлган чор зобити К. Гейнснинг (у Бухоро хонлигига қарши жангларда ҳам ўзини кўрсатган. Бу ҳақда расом В. В. Верешчагиннинг «1868 йилда Самарқанд» хотираларида ёзилган) мақолисида Кўктепа жанги манзаралари анча батафсил ёритилади: «Киргин бошланди... чарчаш нималигини билмайдиган драгунлар биринчи узун ховлини туркманлар қонига гарк қилдилар. Олишув узок чўзилмади, душман жасурона курашса-да, охири дош беролмади: карама-қарши томонга, баланд девор ёқалаб Ички калъага қараб чекинди, аммо фурсат бой берилганди. Отрядимизда мардлиги билан ном чиқарган князь Голициннинг казаклари ва поручик Нахичеванскийнинг 1-эскадрони драгунлари жарликдан чиқиб, уларнинг йўлини тўсдилар. Чорасиз ахволда қолганларини сезган така-туркманлар қўлларидаги ятагонларини ўйнатиб... рақибга ташландилар. Аммо девор орқасидан деярли ёнма-ён туриб отилаётган милтик ўқига ўқиб, кетма-кет қулай бошладилар. Калъа билан пахса девор ораси мурдага тўлиб кетди». (Ахалтақа отрядининг жанговар ҳаёти лавҳалари, «Вреннский сборник» ойномаси, 1882, 6-сон, 27-бет).

Кўрамизки, туркманлар ўз мустақиллиги, эрки учун каттик курашганлар! Аммо «осмон йирок ер каттик» деганларидек, қучлар, қуроллар нисбати тенгсиз эди. Қилич (ятагон) кўтарган довурак така-туркманлар рўс қўшинига тайёр «гўшт» бўлган. Тарихнинг бу шафкатсиз хакикатини бўямасдан очик гапиравериш керак.

Энди генерал Скобелевнинг яқин ҳешларидан бўлган Адам Жульетта Ламбер қаламига мансуб «Генерал Скобелев» (Спб., 1886) китобидан ҳам айрим парчаларни ўқийлик: «Жаноб Марвин билан суҳбат чогида генерал Скобелев Марказий Осиёни бўйсундириш хакида ўз қарашларини очикдан-очик қуйидагича ифодалади:

— Гап шундай, жаноб Марвин, фақат, буларни газетангизда босиб чиқара кўрманг. Жаҳон лигаси назарида гирт ёввойига айланиб қолишни истамайман. Менинг акидам шундай: Осиёда осойишталик ўрнатиш масаласи тўғридан-тўғри одамларнинг қанча қўп қирилишига боғлиқ. Зарба қанчалик қучли бўлса, душман шунчалик тез бўйсунди. Биз Кўктепада 20.000 туркманни ўлдирдик. Тирик қолганлар бу сабоқни бир умр унутмайдиган бўлади.

— Умид қиламанки, бу ақидаларингизни босиб чиқаришимга руҳсат берасиз. Расмий ахборотингизда Сиз хужум ва таъқиб пайтида ҳар икки жинсга мансуб 8.000 душман ўлдирилди, деб ёзгансиз. Шу тўғрими?

— Тўппа-тўгри. Уларни санашганда роппа-роса 8.000 одам чикди.

— Бу маълумот Англияда жуда кўп шов-шувга сабаб бўлди, сабаби, Сизнинг аскарларингиз эркаклар билан бир каторда аёлларни ҳам ўлдиришган экан. Бу хусусда шуни айтишим лрзимки, Скобелев мен билан сухбат чогида «Кўплаб аёллар ўлдирилди. Аскарлар дуч келган одамни килич билан чопиб ташлайверишди», деб тан олган эди. Скобелев ўз дивизиясига аёллар ва болаларга тегилмасин деб буюрган эди, унинг олдида уларни ўлдиришмади. Аммо бошка дивизиядагилар ҳеч кимга шафкат килишмади: аскарлар худди машинадек ишлаб халойикни роса килич билан бурдалашди. Капитан Маслов бунини очикчасига эътироф этади. У «Ахалтаканинг бўйсундирилиши» номли асарида хужум бўладиган куни — эрта тонгда ҳеч кимни асир олмаслик хакида буйрук бўлган эди, деб гувоҳлик беради.

— Бу ҳам мутлако тўгри,—деди Скобелев,—ўлганлар орасида кўплаб аёллар бор эди. Ёлгон гапириш табиатимга тўгри келмайди. Шунинг учун, ахборотимда ҳар икки жинсга мансуб деб очик ёзганман» (16—17-бетлар).

Капитан А. Маслов рус аскарларининг ёвузликларини «деталлаштириб» кўрсатади. Улар каршилиқ кўрсатаётган ёки жонини асраш учун қочиб кетаётганларнинг қовургасига, қорнига найза санчишар тиккасига отишар ё бошига қўндок билан туширишар экан. Хатто кўпчилигининг қўндоғи ёрилиб кетган эди...

Скобелев дахшатли қиргин бўлишини олдиндан яхши билган ва бунга пухта тайёргарлик кўрганди. Юришга отланар экан, у бош кўмондонлик олдида: «Биронта журналист сафарда катнашмаслиги шарт», — деган талабни қатъий қўяди ва бунга тўла эришади. Скобелевни «жаллод», «қонхўр», «қаллақесар» деб атасак, айрим рус дўстларимизга малол келиши табиий. Аммо юқоридаги парчани ўқигандан кейин унга ва умуман брскинчи рус қўшинига қандай баҳо бериш мумкин?

Кўктепа қиргини манзараси янада аниқ бўлиши учун рус зобитлари асарларидан ҳам бир-икки парча келтирамиз. А. Н. Куропаткин ёзади: «Қалъа ичига қараш дахшатли эди. Бехисоб ўликлар бир неча кундан бери уйилиб ётарди. Баъзи қулбалар мурдага тўлиб кетганди».

Туркман халқини «ер юзидаги қора доғ» деб ҳисоблаган қалондимог зобит Н. И. Гродеков қўшимча қилади: «Душман қамал пайтида милтиқ ва замбарак ўқларидан қай даражада дахшатли талафот кўрганини қалъани эгаллаганимиздан кейин билдик. Қалъа ичидаги баъзи уйларда хатто ўн бештагача ўлик бор эди...» (Кўчирмалар туркман академиги М. А. Аннафасов мақоласидан олинди. Бу ҳақда алрҳида тўхталамиз.) Жанг арафасида Скобелев: «Тўқилган ҳар томчи рус қони учун душман қонини дарёдек оқизаман», — деб мактанган экан. Бугун биз, ошқоралиққа ўрганаётган авлод жаноб генерални саволга тутишга ҳақлимиз. «Хўш, мухтарам «оқ пошшо», «шавқатли қахрамон», Туркистонга сизни қим тақлиф этди? Биронта ўзбек, қозоқ, қирғиз ёки туркман сизнинг юртингизга қилич қўтариб бостириб қирдимиз? Қишлоқларингизни талаб, уйларингизни ёндириб, одамларингизни қирпичоқ қилдимиз? Нега бунча жазавага тушасиз? Нега аскарларингиз бу қадар одам ўлдиришда қим ўзарга пойга қилишди? Нега уларни қаллақесарлиги учун рағбатлантирасиз? Виждонингиз азобланмайдими?» Бу дахшатли саволлар бизнинг юрагимизни ўртади, холос. Генерал ва унинг бугунги маддоҳлари учун эса улар бир тийинга қиммат. У Кўктепада ўз вақтида жон бераётган мулланинг «8000 бегуноҳ одамни ўлдирганингиз учун виждон азобида қолмайсанми?!» — деб берган саволига, юзсизлик билан: «Йўқ! 80.000 бўлмаганига ачинаман!»—деб жавоб берган эди. Азиз ўқувчи! Мен бугун тарих мулкига айланган ноёб асарлардан эринмай парчалар

келтирдим. Улар чўзилган бўлса, узр сўрайман. Мақсадим холис бўлиш, хакикатни тўғри англашингиз учун кўмаклашиш. Чамамда анча нарса ойдинлашди. Скобелевнинг сурати билан бир қадар танишдик. Энди унинг сийратига ҳам разм солайлик. Шундагина биз чизаётган «портрет» мукамал бўлади. Бу борада бизга генералнинг ўз сўзлари ёрдам беради. Унинг дил эътирофлари, икромларида ҳам ўта ёвузлик хукмронки, ўкиганда беихтиёр юрагинингиз орқага тортиб кетади.

«Очигини айтсам, — дейди у Адам Жульеттага, — урушни яхши кўраман. Хар бир миллат ўз худудини табиий чегараларгача кенгайтириш ҳукукига эга ва бу қонунийдир.

Биз славянлар, албатта Босфор ва Дарданелни эгаллашимиз зарур, акс холда хар қандай «тарихий ахамиятимизни» йўқотамиз. Агар кўлимиз бу бўғозларгача етмаса, ерларимиз қанчалик чексизлигига қарамай, биз халок бўламиз».

«...Мен буни кўриб, хис қилиб турибман, башорат қилиб айтаманки, славянлар бир қуни Германияни ейди».

«Немисларга асло тоқат қила олмайман».

«Буйруқ бўлса, худди така-туркманларни қандай ўлдирган бўлсам, рязанлик мужикларни ҳам шундай хотиржамлик билан отиб ташлайвераман».

«Рус босқини тошқин дарёдек оқиб, қутуриб, ҳамма ёқни топтаб бормоқда. Асрий салтанатлар емирилмоқда: бир томонда Эрон, бир томонда Туркия қалтираб турибди. Бу қудратли босқинни тўхтата оладиган мўъжизавий бир қуч оламда бормикин?»

Қароматгўй генерал адашди. Унинг «орзулари» амалга олмади. Туркия, Эрон, Афғонистон, Хиндистонни босиб олишга қор Россиясининг «қудратли» қучи етмади. Аксинча, унинг ифлос қирдикорлари жаҳон афқор оммаси орасида шарманда бўлди. Қилич ва замбарак билан ўрнатилган ёвузлик империяси қок-қоқидан сўқилиб кетди. Славянлар Германияни ҳам «еб» қўя олмади. Бугунги қунда хатто немис қухарқалари ҳам қудратли Россиянинг ворисларига — Москва қашшоқларига хайру садақа улашмоқдалар. Хар бир нарсанинг ибтидоси ва интихоси бор...

У қинакам ёвуз одам эди. Шовинист эди. Босқинчи эди.

Уни улуглаш ҳам, қамситиш ҳам қерак эмас, ўз номи билан аташ қифоя.

Бир вақтлар генерал Духовский Мадали эшон исёнида қатнашган фидойиларга қараб: «Сизларнинг юзингиз шунчалик қора бўлдики, уни ҳеч қачон ювиб қетқазолмайсизлар!» — деб таъна қилган эди. Қарҳи қажрафтор экан-да! Бу ақчик сўзлар Скобелев сиймосига айнан мос қелади. У Туркистон қаминида асрлар оша юзи қора бўлиб қолаверади.

Шуниг учун ҳам уни бир вақтлар қўқларга қўтариб олишлаган Д. А. Милютин қариб-қартайган вақтида — 1911 йилда М. Д. Скобелевга хайқал қўйилишини қаттиқ қоралаган ва уни Суворов, Қутузов синқари сарқардаларга асло тенглаштириб бўлмай-ди, деб хитоб қилган эди. (Д. А. Милютин. «Қундалиқлар», 68-бет). Афсуски, бу фикрлар эътиборсиз қолиб кетди.

ОЙНИ ЭТАҚ БИЛАН ЁПИБ БЎЛМАЙДИ!

Тургунлик даври орқада қолди. Уларга ҳадеб тош отаверганимиздан қойда йўқ. Бунинг ўрнига қинакам тарих хакиқатини гавдалантирган ҳаққоний асарлар яратиш йўлидан борганимиз маъқул. Ўтмишдаги хатоларни энди қим тақрорлайди? Хакиқатни ёзамиз, рост гақни айтамыз десак, бугун қим қўлимиздан ушлади? Ахир ошқоралиқ, хўр фикрлик

замони келди-ку! Ана шу ширин тасаввурлар огушида Москвадан олиб келинган хужжатларни таржима килиш режасини пишיתיб юрганымда кўлимга яна бир калингина китоб тушиб колди. У 1990 йилда Москвада «Патриот» нашриётида босилган. Номи... «Скобелев» деб аталади. Муаллифи — Борис Акимович Костин. Шоша-пиша варақлайман. Зора бу ёзувчи ўтмиш саҳифаларини тўғри баён қилган, асл хақиқатни ёзган бўлса деб. Аммо илк сатрлардаёқ бошим тошга теккандек кўзларимдан учкун чиқиб кетди. Ички варақдаги илк сўзларни ўқиганымдаёқ хафсалам пир бўлди. Мана нашриёт томонидан ёзилган маълумотнома: «Чинакам фактлар ва хужжатларга асосланган мазкур китобда машхур рус саркардаси — генерал М. Д. Скобелевнинг хаёт йўли ва харбий фаолияти хикоя қилинади. Харбий санъатни пухта билиши, аскарларга доимий гамхўрлик ва голибона жанг саҳифалари Россияда ҳамда чет элларда унга катта шухрат келтирганэди». Масала равшан. Бу китоб ҳам эски кўшиқни такрорлайди, эски афсонани давом эттиради. Бизга малол келадиган галати нукта шундаки, расмий Москва шунча гап-сўзлардан кейин ҳам лоакал заррача фикрини ўзгартирмади. Когозда халқлар дўстлиги, интернационализм, кардошлик хақида лоф уриб ёзилса-да, амалда ҳамма нарса «улуғ рус халқи» манфаатларини тарғиб қилишга бўйсундирилди. Биргина мисол. Туркистон халқлари, жумладан ўзбекларнинг маданий тарихи кўп минг йилликлар бағридан бошланади. Янги эрадан- аввалги хунлар, юэчжилар, усунлар, Хоразм, Парфия, Кангюй (Канг), Кушон, Бактрия, Эфталит, Кадимги турк давлатларини эслаш қифоя. Улар ўзига хос бойликлар яратганлар, Хитой, Хиндистон, Яқин Шарқ, Кавказ, Юнонистондаги қадимги халқлар билан савдо-сотик ва бошқа маданий алоқалар ўрнат-ганлар. Бу даврларга оид кўпгина осори-атикалар, кўхна, улуғвор иншоотлар сакланиб қолган. Шунга карамай, мактабда «СССР тарихи» фани «Киев Руси» давлатини ўрганишдан бошланади. Гўёки ундан олдин собиқ СССР худудида Киев Русидан бошқа улкан салтанатлар бўлмагандек. Бу сохта тасаввур мурғакликдан бошлаб бола миясига қуйилади. Шу мисолнинг ўзиёқ бошқа кўхна маданиятга эга бўлган халқларни қамситиш, менсимаслик, руслар тарихини эса кўр-кўрона улуғлаш ҳукмрон мафкура зўравонлик сиёсати юргизганини («Чидасанг шу, чидамасанг кўлингдан қелганини қилавер») кўрсатади. Ана шу ақидага кўра Қозон хонлигини зўрлик билан босиб олган ва минглаб беғунох татар мусулмонларнинг қонини тўққан Иван Грозний босқинчи сифатида қораланмади. Тўғри, унинг сиёсатдаги қозимлиги, қонхўрлиги айқилди, аммо ўзга юртларга тажовузи адолатсизлик, босқинчилик эканлигига деярли аҳамият берилмади. Ёки Пётр I фаолиятини эсланг. Унинг Болтик денгизи, Қора денгиз худудларига чиқиш учун олиб борган қурашлари (аслида бошқа халқларга қарашли ерларни қуч, зўравонлик билан босиб олиниши) русларнинг қонуний, табиий харакати сифатида улуғланди. Айни замонда Туркистон заминидан қикқан Амир Темур, Захириддин Мухаммад Бобур сингари буюқ зотлар фақат босқинчи, қозим ҳукмдорлар сифатида қораланди. Уларнинг марказлашган давлат тузгани, иқтисодий ислохотлар ўтқазиб, савдо-сотикни, халқаро маданий алоқаларни ривожлантиргани, адолатли қонунлар қикаргани қаби ўнлаб ижобий хизматлари эса шунчаки тилга олинди, қолос. Бир халқнинг юқсалиши ёки жаҳон қенглиқларига чиқиши ҳеч қачон бошқа халқлар, хусусан, майда, заиф миллатларни эзиш, қириш, уларнинг қонуний манфаатларини йўқ қилиш, арбобларини қасддан қамситиш ҳисобига бўлмаслиги қерак. «Дунёдаги энг одил, энг халқчил», «тенглик, тотувлик, дўстлик» асосига қурилган «буюқ тузум» мафкурачилари эса бу оддий хақиқат билан ҳисоблашиб ўтирмадилар. Фақат Россия манфаатлари учун хизмат қилган, бошқа халқларни қишанга солиб, бўйнига зулм бўйин

туругини илган тарихий шахсларни факат «кахрамон», «улуғ», фидойи ватанпарварлар деб бир томонлама кўкка кўтариш, уларнинг ёвуз кирдикорларини хаспўшлаб ўтиш мазлум миллатлар калбида табиий норозилик, нафрат, кахр-газаб туйгуларини уйғотади. Иван Грозний, Петр I, Ермолов, Кауфман, Скобелев, Головачев ва бошқалар чор Россияси ва факат Россия учун хизмат килганини, уларнинг фаолияти, босган хар бир қадами бошка мустакил кўшни мамлакатлар учун куллик, туткунлик, зулм ва дахшат элтганини асло унутиш мумкин эмас.

Ўзбекистонда Скобелев хакидаги мунозара 1990 йилда бўлиб ўтди. Костиннинг китоби эса анча олдин ёзилиб, нашрга топширилган, муаллиф бу бахсни хаёлига ҳам келтирмаган-ку, деб таъна килишингиз мумкин. Аммо бу холат ҳам ёзувчини оклай олмайди. Сабаби, кўлига калам олишга журъат этган киши хар қандай ёлгондан хазар килиши, самимий бўлиши лозим. Афсуски, мазкур китобда бунинг тескарисини кўрамиз. Скобелевнинг Туркистондаги илк «жасорати» Хивани забт этиш чогида намоён бўлгани бизга маълум. Хўш, бу ҳақда Б. Костин «хужжатлар ва фактлар» асосида нималарни ёзди экан? «Хиваликлар руслар устига дўлдек ўк ёғдирдилар,— деб ёзади муаллиф,—Тўп ўқлари ёрилиб, кумларни улкан фонтандек осмонга отарди. Аммо рус батареялари аниқ нишонга уриб, ракиб замбараклари унини ўчирди. Шохобод дарвозаси кўпорилгандан кейин ичкарига биринчи бўлиб Скобелев ёриб ўтди. Унинг изидан икки рота илгор жангчилар калъага кирди ва киска муддатли олишувдан кейин девор ва минораларни эгаллади. Шундан кейин Скобелев ўз отряди билан кўча-кўйда аёвсиз жанг килиб, хон саройигача бостириб борди. 1873 йил 29 май куни Хива таслим бўлди» (24-бет).

Ёзувчи хатто чор зобитларидан ҳам тубанда туради. Чунки улар Скобелевнинг Хива остонасидаги шухратпарастлик, такаббурлик ва ёвузликдан иборат килмишини каттик коралаб, бу шармандали ходиса хакида рўйи-рост гапирганлар. Рассом В. В. Верешчагин ўз дўсти кўрсатган бу кераксиз «жасоратини танкид килгани бизга маълум. Дарвоқе, Верешчагин сиймоси ҳам ўта мураккаб. У Туркистондаги кора юришларнинг деярли ҳаммасида катнашган ва рус босқини манзаралари ҳамда оқибатларини кўпдан-кўп бадиий полотноларида тасвирлаб берган эди. Бундан ташқари у бир канча адабий асарлар, хотираларини ҳам эълон килган. Мухими шундаки, рассом ўзи кўрган воқеаларни ва ёвузликларни яширмасдан очик ёзган. Бу жихатдан айниқса унинг «1868 йилда Самарканд» номли хотиралари диққатга сазовор. Унда Верешчагин Самарканд шаҳрида маълум муддат камал-да колган оз сонли рус кўшини ўз она юртини босқинчи ёвдан озод этиш учун Шахрисабз ва Китобдан келган ўзбек ватанпарварларини канчалик кирганини марокланиб тасвирлайди. Бу мухорабада шахсан катнашган рассом икки ўзбекни «профессорларча» отиб ўлдирганини, полковник Назаров тинч ахоли яшайдиган уйларни, кўхна масжид ва мадрасаларни аёвсиз ёндирганини, гуноҳсиз одамлар беҳуда кириб юборилганини батафсил ёзишдан тортинмайди. Реалист ижодкорнинг бу фазилатига ҳам тан бериш керак. У ўз «тарихий хизматлари»ни тириклик чогидаёқ халол бахолаб кўйган. Афсуски, совет даврида рассом ижоди хакида ёзилган китобларда бу масала ҳам фақат бир ёклама ёритилади, рус чоризми манфаатлари учун канчалик ўлиб-тирилиб ҳаракат килганлиги эса доим четлаб ўтилади. Мисоллар келтираман. 1990 йилда Москвадаги «Советская Россия» нашриёти В. В. Верешчагиннинг «Повестлар, очерклар, хотиралар» китобини 100.000 нусхада босиб чиқарди. Хажми 31.71 табоқ. Хавас килса арзийдиган мўътабар нашр. (Тўплаб нашрга

тайёрловчи ва сўзбоши муаллифлари В. А. Кошелев ҳамда А. Черновлар.) Бу китоб хакида ёш ўзбек журналисти Ж. Юсупов «Халк сўзи» рўзномасида босилган (1992 йил, 14 январь) «Верешчагиннинг икки кийёфаси» номли мақоласида жиддий фикрлар билдирди.) Китобда рассом каламидан чиққан бир канча йирик асарлар ва кичик-кичик лавҳалар мавжуд.. Аммо тўпловчилар рассомнинг «1868 йилда Самарканд» асарига ўрин бермаганлар. Шунингдек, муаллифнинг ўз ёвуз табиатини росмана фожя этган «Андреаполь босқини» («Русская старина» ойномаси, 1888, 11-сон) хотиралари ҳам тўпламга киритилмаган. Албатта, бу оддий англашилмовчилик ёки бепарволик оқибати эмас. Тўпловчилар буни онгли равишда, тўғрироғи, оммадан, айниқса, собик мазлум миллатлардан яшириш учун атайлаб қилганлар. Рус чоризми манфаатларини ҳамда чор зобитлари маънавий кийёфасини тўғри очиб берган асарлар сохта интернационалистларга фойда эмас, аксинча зарар етказди-да! Улар буни жуда яхши хис қилганлари учун ими-жимиди иш битиришни афзал қўрадилар.

Лев Деминнинг «Мольберт билан ер шари бўйлаб» (Олам В. В. Верешчагин нигоҳида) номли улкан китоби ҳам рассом В. В. Верешчагинга бағишланган. Хажми 37,92 босма табоқ. Москвадаги «Мысль» нашриётида (1991 й.) 50.000 нусхада босилган. Унда рассомнинг Туркистонда кечган ҳаёти хакида батафсил гапирилади-ю, аммо чор босқинлари, аёвсиз қиргинлар ва уларда В. В. Верешчагиннинг бевосита иштироки хакида лоқал бир оғиз гап айтилмайди. Афсуски, бу китобларни нашр этган ўртоклар бугун шароит ўзгарганини, ошқоралиқ шарофати туфайли юз йиллаб кулфланиб ётган пўлат сандиқлар очйлиб, яшириб келинган кўп нарсалар халққа етиб улгурганини хисобга олмаганлар. Ва энг муҳими, улар тарих ёлгонни хазм эта олмаслигини, хақиқат барибир рўёбга чиқишини назар-писанд қилмаганлар. Бугун биз уларга бемалол таъна қилаоламиз: Чучварани хом санабсизлар, жаноб муаллифлар!

Хуллас, Верешчагин сингари сиймоларнинг ҳаётидаги ҳар икки кутб батафсил ва рўйи-рост қўрсатилмаса, бу мавзуга қўл урган киши, ким бўлишидан қатъи назар, бад-ном бўлишдан қочиш кутула олмайди.

Б. Костиннинг китобига қайтайлик. Муаллиф Скобелев кийёфасига тирнокча гард юктиргиси қелмайди ва уни Хива урушининг чинакам қахрамони сифатида бизга тақдим этади. «Хива юришида қатнашиш Скобелев учун жиддий ҳарбий мактаб бўлди, у ҳам жисмоний, ҳам маънавий синовдан шараф билан ўта олди. Хатто жанг чоғида ўққа учган туркистонликлар орасида турган пайтда ҳам у хайратомуз вазминлиги ва жасурлиги билан ажралиб турарди. Ташаббускорлик, ишнинг қўзини билиш, зудлик билан бир қарорга кела олиш қаби фазилатлари туфайли ёш зобит ҳаммага ўрнак эди. Скобелев энг мушкул ва хавфли топшириқларни тиришқоқлик ва уздабуронлик билан қотириб бажарарди. Бошлиқлар унга тўла ишонар эдилар» (26—27-бетлар).

Бир одам. Икки хил кийёфа. Икки хил талқин.

Кимга ишонган маъқул? Воқеаларнинг бевосита иштирокчилари, гувоҳлари бўлган чор зобитларигами ёки орадан юз йил вақт ўтгандан кейин афсона тўқийётган Б.

Костингами?! Инсоф ҳам қерак-да!

Китобни ўқишда давом этамиз. Навбат Кўкон юришига келади. Махрам жанги тасвирида ҳам Скобелев жасоратларига ҳамду сано ўқилади. Хатто 20 минг тинч аҳолиси ўлдирилган Андижон қирғини рус қўшинининг порлоқ галабаси деб таърифланади (29-бет).

Нима ҳам деймиз? Халқлар ўртасидаги дўстлик, тотувлик, қардошлиқ хакида гап сотиш бошқа-ю, амалий иш, оқибат бошқа нарса экан-да! Ким билсин, собик СССРнинг

парчаланиб кетишига хам айни шу нарса — сўз ва амалий ишнинг бошка-бошкалиги, хукмрон мафкура хамма ерда ЁЛГОН, АЛДОВ, ЗЎРАВОНЛИК, ТАЛОНЧИЛИК сиёсати олиб борганлиги, хакикатдан кўрканлиги сабаб бўлгандир? Агар ёзувчида лоакал озгина виждон, халоллик бўлганда мазкур китобни ўқиган ўзбекнинг дилини огритиб, иззат-нафси, гурурини поймол қилиб қўймасмиканман, деган андишага борар эди. Йўк! Бундай нозик инсоний туйгулардан, афсуски, муаллиф махрум. Шунинг учун хам у конли Кўктепа жанги хакида гапирганда туркманлар нима учун Скобелевга «кўзи конли» деган лакаб қўйганлигига тушунмаганлигини айтиб, ажабланади. Холбуки, бунинг сабаби муаллиф «синчиклаб ўргандим» деб даъво қилган ҳужжатларда батафсил ёзиб қўйилган. Уларга ҳеч қандай қўшимча ёки изохнинг ҳожати йўк.

Шундай қилиб, ўзбек ва туркман халқларини шафқатсизларча қириб, тарихда ёмон ном қолдирган Скобелев Б. Костин талқинида даҳо инсонга, русларнинг миллий қахрамони, фахри ва ифтихорига айланади. Жўшиб кетган ёзувчи инқилобдан кейинги дастлабки йилларда (1918 йил 1 майда) Москвада ўрнатилган Скобелев хайкали бузиб ташлангани хакида кўз ёши тўкиб ёзади: «Киска, аммо порлок умрида Ватан учун муносиб хизмат қилган инсоннинг номи ўн йиллар мобайнида рус тарихидан чиқариб ташланди».

Мухтарам ёзувчи бу ерда хам янглишади. Скобелев — тарихий шахс. Тарих саҳифаларидан унинг номи ҳеч қим супуриб чиқариб ташлай олмайди. Бу — мумкин эмас. Туркистон халқлари учун у ёвузлик тимсоли бўлиб қолаверади. Худди Гитлер каби, Сталин каби.

Скобелевнинг хизматлари муносиб баҳолабмаяпти деб надомат чекадиганлар орасида, минг афсуски, машхур ёзувчи, мархум Валентин Пикуль хам бор эди. Адиб «Эслаб юришимиз лозим» номи тарихий лавҳасида «ок генерал» сиймосини ўзига хос тарзда мадҳ этади. У тарихчи олим В. Н. Масальский Скобелев хакида тадқиқот ёзиб, нашр этолмай юрганидан ажабланади. Ноширлар, қарангки, Скобелев Ўрта Осиёни забт этувчилардан бўлгани учун у ердаги жумҳуриятлар хафа бўлади, деб китобни чиқаришдан воз кечишган экан! Машхур ёзувчи бу ходисани ўта адолатсизлик деб баҳолайди. Сабаби: чор Россияси томонидан Туркистоннинг босиб олиниши «прогрессив ходиса»! «Бу ҳеч қимни ажаблантирмайди, албатта,— деб ёзади В; Пикуль.— Агар Россия Ўрта Осиё воҳалари ва кишлокларига ўз қўшинини қиририб, Қушкада мустаҳкамланиб олганда, у билан Англия мустамлакалари ўртасидаги чегара қайсидир узок манзилдан эмас, балки Оренбург атрофидан ўтган бўларди. Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олинишига доир сиёсий ва иқтисодий майлларни «Темир канцлерлар жанги» номи романида батафсил баён қилган эдим, халигача бирон тарихчи менга эътироз билдиргани йўк.

Аслини олганда, инқилобдан 35 йил олдин ўлиб кетган Скобелевнинг Совет ҳукумати олдида қандай айби борлигини мен яхши тушунмайман. Шунга қарамай, айрим ҳадиксировчи ва кўрқок қимсалар ёзувчиларга:

— Яхшиси, Скобелев хакида ёзмаганилар маъқул,— деб насиҳат қиладилар.

Биз эса кўрқмай ёзаверамиз, сабаби, унинг номи биз учун Шереметев, Салтиков, Суворов ва Кутузов номлари қаторида туради...»

Ёзувчи масалани мана шу тарзда қўндаланг қўяди. Унинг мавзуга «ўзига хос» «теран» ёндашуви ўз навбатида бизни хам хайратда қолдиради. Демак, Россия Ўрта Осиёни Англиядан кўрқгани, чегара қизиги нарироқдан ўтишини хоҳлагани учунгина босиб олган экан-да! Қаранг, ўта галати, ақл бовар қилмайдиган мантик! Машхур тарихий романлар ёзган адиб бу гапларни айтганига хатто ишонинг хам қелмайди. Аммо на илож!

В. Пикулнинг «Хива, дарвозангни оч!» номли бошка тарихий лавҳасида эса рус кўшинларига берилган кутилмаган таърифга дуч келамиз:

«Рус аскарлари чакирилмаган жойга асло борган эмас. У фақат ўзини халоскор деб кутганларнинг олдигагина борган.

У козоклар, туркманлар, ўзбеклар билан ҳеч қачон жанг қилмади. Рус аскарлари жазирама саҳроларда кезиб ўрта аср мустабидларини — хонлар, султонлар, бекларни — Темурланг замонидан бери барханлар бағрига сингиб кетган бутун шарқона разиллик ва ифросликларни тахтдан ағдарди. Бизогир машаққатларга чидаб, Россияни кўпмиллатли буюк мамлакатга айлантирган аждодларимизни асло унутмаймиз!»

Ўзувчининг барча мулоҳазалари ва чегара хусусидаги ташвишлари ўринли деб ҳисоблай қолайлик. Унда Фарғонадаги кишлоклар, шаҳарлар, туркман овулларининг аёвсиз талангани, ёндирилгани, киргин қилинганини қандай баҳолаш керак? Ўз чегарасини мустаҳкамлаш учун, озодлик олиб бориш учун бутун-бутун халқлар қонга ботириладими, йўқ қилинадими? Буни адолатсизлик, босқинчилик эмас, табиий ва ёнуний ҳодиса деб аташ мумкинми? Нега ҳурматли ўзувчи муаммонинг бу томри хакида ўйлашни хохламайди, хаёлига келтирмайди?

Сабаби осон. Буюк миллатчилик, ўз халқи манфаатларидан бошка ҳеч нарсани тан олмаслик, менсимаслик оғуси унинг бутун вужудига сингиб кетган. Шунинг учун у тарих хақиқати билан ҳисоблашмасдан, ўз нуқтаи назарини беписандлик билан тақдим этаве-ради. Аммо ўзувчи қанчалик ҳаракат қилмасин, унинг никоби барибир йиртилиб кетди, хақиқий башараси ўз-ўзидан қош бўлди. «Халқлар турмаси»га айланган Россия империяси тарих қаърига қўмилиб кетди, «кўп миллатли халқлар дўстлиги» никоби рстида унга меросхўр бўлиб чиққан СССР қанчалик парчаланганига, худога шуқур, гувоҳ бўлиб турибмиз. Зўравонлик, босқинчилик-қу узокка бормайди, аммо шўринг қургур маддохларга қийин. Уларнинг шармандаси чиқиб, юзи қаро бўлиб қолаверар экан. Тарих жумбоклари бизни хамиша ўйга толдиради.

М. Попов, Б. Костин, В. Пикуллар учун Скобелев — тенги йўқ даҳо, шавқатли сарқарда. Булгорлар учун халоскорлик рамзи.

Туркистон халқлари учун эса ёвуз истилочи, мустабид жаллод. Унинг қора қилмишлари шундай баҳолаш учун бизга қонуний ҳуқуқ беради. Бунга бутун тарих гувоҳ бўлиб, қирқираб йиглаб турибди. Бошига тушган қора қунлардан ҳамон қутула олмай, қон ва зардоб ютаётган она Туркистон қор жаллодларининг қонли жиноятларини ҳеч қачон қечирмайди.

Ортиқбой Абдуллаев